O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 181200

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2000 йил 29 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 92 (7287)

Da'vat

Улки буюруб ўзи қилмағай ва ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай.

Алишер НАВОИЙ

Ibrat

Избоскан туманидаги Туячи қишлоғида яшовчи тадбиркор Собиржон Абдураҳимов Шоҳимардондаги 1-ўрта мактабга 200 килограмм бўр совға қилди.

Юнусобод туманидаги 313-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Гулноза Мансурхонова ўғил-қизларга 15 йилдан буён устозлик қилади. Айниқса, у ўқувчилар билан якка тартибда ишлашни хуш кўради. Шу боисданми илм масканида муаллима ўқувчиларнинг сифат ўзлаштиришлари ҳамиша юқори бўлаётир. Юқори кўрсаткичлардан ота-оналар ҳам хурсанд бўлишаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Равиль Альбеков олган ушбу суратда ҳам жонкуяр муаллиманинг ана шу усул асосида иш олиб бораётган пайти акс этган.

ДЕКАБРЬ — МЕҲР-ОҚИБАТ ОЙИ

Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йил мамлакатимизда "Соғлом авлод йили" деб аталди. Ва бу жуда кўплаб савобли ва хайрли тадбирларнинг амалга оширишига сабабчи бўлди. Хусусан, таълим тизимида ҳам бу йил "Соғлом авлод учун" шиори остида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Бемалол айтиш мумкинки, Соғлом авлод йилида халқимизнинг бола-жонлиги, меҳр-оқибатли эканлиги яна бир бор аён бўлмоқда.

Мана, Соғлом авлод йилининг сўнгги ойи — декабрь эшигимизни қоқиб турибди. Айни дамда нафақат йил, балки яна бир аср ва иккинчи мингйиллик якунига етиб бормоқда. Юртимизда галдаги мингйиллик соғлом авлод учун бўлаётган эзгу бир ҳаракат билан якунланмоқда ва бу эзгу ҳаракат халқимизнинг учинчи мингйиллигидаги ҳаётига мустаҳкам пойдевор бўлмоқда. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон келажак сари соғлом авлод билан бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан эса яна бир хайрли ташаббус ўртага ташланди: Соғлом авлод йилининг узвий давоми сифатида йилнинг сўнгги ойи таълим тизимида Меҳр-оқибат ойи деб эълон қилинди.

Tashabbus

Ўз номидан ҳам кўриниб турганидек, барчанинг бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиши, бунда айниқса, ногирон ўқувчиларга, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, камтаъминланган оилалар фарзандларига эътиборли бўлиш ташаббуснинг бош мақсади ҳисобланади. Шунингдек, Меҳр-оқибат ойида Соғлом авлод йили давомида қилинган эзгу ишлар таҳлил қилиниб, умумлаштирилади ва бажарилиши лозиму бажарилмай қолган ишлар поёнига етказилади. Энг асосийси, меҳр-оқибатнинг, нафақат сўзи, балки, меҳр-оқибатнинг ўзи барчамизга ҳамроҳ бўлади. Бу ниятлар муқаддас Рамазон ойи амаллари билан ҳам ҳамоҳангдир.

Ой давомида бизга ҳамроҳ бўлган меҳр-оқибат алалоқибат барчамиз учун зарурий эҳтиёжга ҳамда учинчи мингйилликда меҳр-оқибатлилик ҳаммага хос бўлган фазилатга айланиб қолишига ишонамиз.

Меҳр-оқибат ойида фаол иштирок этайлик, азизлар! Меҳр-оқибат ҳеч биримизни тарк этмасин!

И.БЎРИБОЕВ

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" ҒАМХЎРЛИГИ

"Ўзбектелеком" акционерлик компанияси Тошкент электротехника алоқа институти талабаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишдек хайрли ташаббусни бошлади. Компания 2000-2001 ўқув йили давомида институт талабаларини тушлик овқат билан бепул таъминлаш мақсадида 40 миллион сўм маблағ ажратди. Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардаги алоқа соҳаси акциядорлик жамиятлари ва корхоналари даромадидан ажратилган бу маблағ республикада замонавий технологияларни мукаммал эгаллаган кадрлар тайёрлаш мақсади билан боғлиқ.

"Ўзбектелеком" ғамхўрлигидан айни вақтда 700 нафар талаба баҳраманддир. Компания бош директори А.Жўрабоевнинг: "Телекоммуникация соҳаси ривожи Ўзбе-кистон истиқболини кафолатлайди. Бу соҳанинг бўлғуси кадрлари тўғрисидаги ғамхўрлик эса соҳа ривожи учундир", деган сўзлари институт талабаларини юксак даражада таълим олишга ундади.

СТАДИОН — ИНСТИТУТГА

Savob

"Ўзбекқишлоқмаш" акционерлик жамияти ихтиёридаги стадион ҳам мазкур институт тасарруфига ўтказилди. Стадион ташландиқ ва қаровсиз ҳолда ётганлиги учун унга анчагина маблағ керак эди. Юнусобод туман ҳокимлиги, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги стадионни таъмирлашга маблағ ажратадиган бўлди. Футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари, енгил атлетика аренаси, томошабинлар ўриндиқларини янгилаш, теннис кортларини қуриш учун сарфланадиган 60 миллион сўмлик маблағнинг маълум миқдори институт ҳисоб рақамига келиб тушди.

Насиб этса, 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари барча қулайлик ҳамда имкониятларга эга бўлган стадионда спорт ўйинлари билан шуғуллана бошлайдилар.

Мухбиримиз

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мусулмон мамлакатлари раҳбарларидан Қуръони шариф нозил бўлган илоҳий ҳидоят ва руҳий покланиш ойи — Мубарак Рамазон ойи бошланиши муносабати билан дил сўзлари битилган самимий қутловлар келиши давом этмоқда.**
- **Мамлакатимизга Саксония (ҒФР) иқтисодиёт ва меҳнат вазири К.Шоммер бошчилигидаги делегация ташриф буюрди.**

- **Хитойнинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган "CITIC" компаниялар гуруҳи бошқаруви раиси Ван Цзюн бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, "Ўзавтойўл" концерни раиси Р.Юнусов билан музокара ўтказди.**
- **Қарши Давлат университетида "Улуғ Навоийнинг ўзбек адабиёти, тили, маданияти тараққиётидаги буюк хизматлари ва ҳозирги адабий, лисоний, маданий жараён" мавзуида республика илмий анжумани бўлиб ўтди.**

- **Филиппин Президенти Жозеф Эстрада мамлакат ижроия ҳокимиятидаги лавозимларни мухолифат билан бўлишиб олиш йўли орқали сиёсий инқироздан чиқиш ғоясини рад этди.**
- **Украинанинг собиқ бош вазири Павел Лазаренконинг иши АҚШ судида кўриладиган бўлди.**

- **Ўтган шанба куни Бокуда содир бўлган ер силкиниши оқибатида уч киши оламдан кўз юмди, 130 дан ортиқ киши эса жароҳатланди.**
- **БМТнинг собиқ бош котиби Перес де Куэляр ватанига — Перуга қайтиб келди, у ўн йил аввалги президент сайловида мағлубиятга учрагандан буён Францияда яшаётган эди.**

ТАЛАБ ЎЗГАРДИ

буни ўқитувчи ва талаба ҳис қилаяптими?

Jarayon

"Баҳо" деган тушунчани биз турли нарса-ҳодисаларга нисбатан қўллаймиз. Хусусан, давлатлар, одамлар, буюмлар ва ҳаттоки пардоз-андоз воситаларини ҳам таърифлашга сўз ахтарамиз. Демакки, таъриф бу, баҳо.

Баҳо талаб қиладиган яна бир мезон борки, бу билимдир. Олий ўқув юртларидаги таълим жараёни ана шу мезон билан ўлчанади. Талаба билимига берилган баҳо унинг нафақат бугуни, балки эртаси учун ҳам зарур.

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида ҳам 1992 йилдан талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтилди. Мақсад аниқ: ривожланган давлатлар таълим жараёнига жорий қилинган рейтинг тизимининг афзалликларини амалда синаб кўриш. Натижалар бу фикрни тасдиқламоқда.

Мухбиримиз Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институтида рейтинг тизимининг қўлланиш жараёни билан қизикди. Институт етакчи мутахассиси, техника фанлари номзоди, доцент Турсун Абдукомилов билан суҳбатимизда ана шу мавзу қамраб олинган.

— Рейтинг тизимининг афзалликлари тўғрисида кўп гапирилмоқда. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?

— Эсласангиз, бундан 10-15 йил аввал, талабалар фақат маъруза тинглашарди. Сентябрь ойидан январга қадар ва январдан май, июнь ойларига қадар у тинглар, ўқитувчи маълумот узатарди. Қишки ёки ёзги семестрда талабаларга 3 та саволдан иборат билетлар тарқатилар, мабодо унга омади чопиб, билган саволлари тушса, "аъло" баҳо олиб, хурсанд чиқарди. Ёки аксинча.

Рейтинг баҳолашнинг бу тизимидан ер билан осмонча фарқ қилади. Ў талабани фаолликка, кўпроқ балл йиғишга ундайди. У биладики, балл тўплаб бормаса семестрда ўзига қийин бўлади. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими таълим жараёнини такомиллаштирадиган, халқаро меъёрларга мос келадиган рақобатбардош мутахассислар тайёрлашнинг баъзи муаммоларини ечишга ёрдам берадиган омиллардан бири бўлиб, талабада ўқитилаётган фан-сусиятларни ривожлантиради. Талабадаги ютуқ ва муваффақиятларга эришишни таъминлайдиган табиий интилишлар ва эҳтиёжлардан фойдаланиб, ўқиш жараёнида, бир-бирлари билан мусобақалашишга ҳам рейтинг тизими имконият туғдиради.

— Рейтинг тизими ларга нисбатан масъулиятни кучайтиради. Шунингдек, ҳар хил топшириқларни бажариш жараёнида мустақил ишлаш ва фикрлаш, адабиётлардан кенг фойдаланиш, ўз билимини мунтазам равишда ошириш каби хусусиятларни ривожлантиради. Талабадаги ютуқ ва муваффақиятларга эришишни таъминлайдиган табиий интилишлар ва эҳтиёжлардан фойдаланиб, ўқиш жараёнида, бир-бирлари билан мусобақалашишга ҳам рейтинг тизими имконият туғдиради.

— Рейтинг тизими ўқитувчи ва талаба ўртасидаги бир восита ҳам бўлса керак?

— Бу тўғри гап. Профессор-ўқитувчиларнинг таълим беришдаги масъулиятини оширишда, давлат стандартлари, ўқув режалари ва фанларнинг дастурлари асосида дарс бериш усулларини такомиллаштиришда рейтинг тизими катта роль ўйнайди. Профессор-ўқитувчилар ўз фанлари бўйича тузилган тест саволлари таркибини тез-тез кўриб чиқиб, уларга берилган жавобларни таҳлил қилишлари, лозим бўлганда, тест саволлари таркибини ўзгартириб, уларнинг вариантлари сонини кўпайтириб боришлари тавсия этилади.

(Давоми 2-бетда)

МУКОФОТГА - КОМПЬЮТЕР

"Yil maktabi — 2000"

Яқинда Урганч шаҳридаги вилоят ўқувчилар саройи мажлислар залида "Йил мактаби — 2000" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда Хоразм воҳасидаги энг намунали деб топилган 11 та мактаб жамоаси вакиллари қатнашишди.

Даставвал танлов иштирокчилари ўз мактаблари ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи кўргазмаларини намойиш этдилар. Сўнгра ҳар бир мактаб раҳбари жамоа муваффақияти омиллари, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда "Соғлом авлод" Давлат дастури ва ДТС талаблари асосида ўқувчиларга пухта билим бериш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида илм масканида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ҳақида гапириб, ғолибликка даъвогар эканликларини мисоллар ёрдамида таҳлил қилдилар.

Хоразм вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Йўлдош Бобожонов бошчилигидаги нуфузли ҳакамлар ҳайъати ҳар бир мактабнинг моддий-техника таъминоти, дарслик, ўқув-услубий ва бадиий адабиётлар билан таъминланганлиги, ДТС асосида ўқувчиларнинг фанлар бўйича билим саводорлиги, ўқувчиларнинг турли босқичдаги фан олимпиадалари, спартакиада, кўрик-танловларда иштироки, битирувчиларнинг ўқув юртларига киришлари, ўғил-қизларнинг тўгаракларга, клубларга тортилиши каби таълим-тарбия соҳасида эришилган кўрсаткичларни баҳолаб борди...

Танлов якунида Шовот туманидаги 32-экология йўналишидаги умумий ўрта таълим мактаби (раҳбари Назира Ботирова) кўрик-танловнинг барча шартлари бўйича 380 балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллашди. Уларнинг бу муваффақияти муносиб тақдирланди — жамоага компьютер жамланмаси мукофот тариқасида бериладиган бўлди. Урганч шаҳридаги 3-мактаб (раҳбари Эмиля Пак) ҳамда Боғот туманидаги 1-ўрта мактаб (раҳбари Эркин Рўзметов) жамоаларига иккинчи ва учинчи ўрин насиб этди. Улар эса вилоят ҳокимлиги таъсис этган 300000 ва 150000 сўмлик пул мукофотлари билан тақдирланишди. Хуллас, Шовот туманидаги 32-экология йўналишидаги мактаб Тошкентда декабрь ойида бўлиб ўтадиган "Йил мактаби — 2000" республика кўрик-танловида вилоят шаънини ҳимоя қиладиган бўлди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

XXI АСР ОБУНАСИ

Янги мингйилликнинг илк йили учун обуна мавсуми давом этмоқда. "Маърифат" газетаси таҳририяти ўзининг доимий ва собит мухлислари борлигидан мамнун эканлигини таъкидлаб келади. Бироқ у бундай мухлисларнинг кўпайишини хоҳлайди. Таълим тизимидаги ислоҳотлар жараёнидаги янгиликлардан воқиф бўлиб боришни ва ана шу янгиликлар асосида тараққиётдан ортда қолмасликни ўйлайдиган, ўз устида ишлайдиган таълим тизимининг ходимлари наҳотки шу қадар оз бўлса...

"Матбуот—тарқатувчи" АК томонидан 20 ноябргача йиғилган маълумотларга кўра, Навоий вилоятида атиги 299 нафар таълим ходими, Сирдарё вилоятида 572 ўқитувчи "Маърифат"ни ўқиш ниятида экан.

Назаримизда, бутун вилоят учун бу миқдор қониқарли эмасдек. Айрим муштарийларимиз янги мингйиллик нашрлари учун обуна қизғин паллага кирганидан бехабар қолганга ўхшайдилар.

Обуна давом этмоқда азизлар, шошилинг!

Ўқитувчи ён дафтарига

ЙИГИРМА ЙИЛЛИК ТАЛАБАЛАР

Лотин Америкасидаги кўҳна илм даргоҳларидан бири—Сан Маркос университети раҳбарияти талабаларнинг бир курсда ўқиши учун рухсат бериладиган муддатни тўрт йилдан оширмаслик керак, деган хулосага келди. Сабаби, университет ректоратининг маълумотларига қараганда, бу ерда уч мингга яқин киши, машғулотларга истаган пайтда бориш ҳуқуқини суистеъмол қилган ҳолда, йигирма йилдан буён талаба ҳисобланиб келмоқда.

ХУЛОСА ЎЗГАРДИ

Жанубий Америка ҳудудидан бир гуруҳ динозаврлар қолдиғи топилди. Шу вақтга қадар бу баҳайбат ҳайвонларнинг жасади алоҳида-алоҳида топилган ва улар яккаякка яшашган, деган тахмин мавжуд эди. Янги топилдиқ қадимшуносларнинг динозаврлар тўда-тўда бўлиб яшаган бўлишлари мумкин, деган хулосага келишларига асос бўлмоқда.

КЎЗГУГА ҚАРАБ...ОЗИШ

АҚШнинг Айова университети мутахассислари ғаройиб тажриба ўтказишди. Тажриба хулосаси эса қуйидагича: агар киши кўзгу олдида овқатланса, ёғлар истеъмоли сезиларли равишда камаяди. Мутахассислар буни озишнинг оддий ва арзон усули сифатида тавсия этишмоқда.

ЯНГИ ЛОЙИҲА

Буюк Британияда мингга яқин йўловчини ташиш қувватига эга бўладиган ўта замонавий самолёт лойиҳаси яратилди. "Учувчи мамонт" деб аталаётган бу улкан самолётда ҳатто, алоҳида уйқу хонаси, бар, спорт ва казино заллари бўлажаги ҳам назарда тутилган. Лойиҳа муаллифлари, мазкур самолётнинг ҳозирча улкан "Боинг-747" самолётидан 20 фоиз кам ёнилги сарфлашини таъкидлашмоқда.

Айрим вилоятларда мактаб олимпиадаларини номигагина ўтказиш натижасида салоҳиятли, билимли, зукко ўқувчилар четда қолиб, олимпиадада дуч келган, етарли билимга эга бўлмаган ўқувчилар иштирок этмоқда ва улар Республика олимпиадасининг IV босқичига қадар етиб келмоқдалар.

Тезкор ва ҳушёр осойишталик посбонлари "Боғчага бомба қўйилган..." деб дағдаға қилаётганларнинг масканини аниқлаб, қўлга олишди.

"БОҒЧАГА БОМБА ҚЎЙИЛГАН!" МИДИ?

Hodisa

Чирчиқдаги 1-болалар боғчаси одатдагидек кичкинтойлар билан гавжум. Бир-биридан ширин болалар боғча опаларининг атрофида гирдикапалак. Мудира эса ўз иш хонасида муассасага раҳбарлик юмушлари билан шуғулланмоқда. Ногоҳ телефон жиринглаб қолди. Опа дастакни кўтарган ҳам эдики, эркак кишининг дағдағали овози эшилди:

—Ҳой мудира, боғчанга бомба қўйилган!...

Дағдаға билан айтилган бу қўрқинчли хабар мудирани эсанкиратиб юборди. У қандай қилиб дастакни жойига қўйганини ўзи билмай қолди. Бироқ ҳали эс-ҳушини йиғиб улгурмаёқ яна телефон жиринглади:

—Ҳой мудира, эшитяпсанми, боғчага бомба қўйилган, ҳадемай портлайди!

Мудира В.Давлатова гапга оғиз очиб улгурмай алоқа узилиб қолди. Боғчасидаги болажонларнинг тақдирини ўйлаб, оёқ қўли дир-дир титраётган мудира дастакни кўтариб, 02 ни терди.

—Алло, навбатчи эшитади!

—Мен шаҳардаги 1-болалар боғчаси мудираси Давлатова бўламан. Ҳозиргина кимдир бир эмас, икки бор телефон қилиб, боғчамизга бомба қўйилганлигини, у ҳали-замон портлашини айтди! Ёрдам беринг!

— Сиз телефон олдида қимирламай туринг. Ҳозир етиб борамиз.

Табиийки, тезкор гуруҳ эҳтиёт чорасини кўриш, эҳтимол тутилган бомбани зарарсизлантириб, кичкинтойлар ҳаётини сақлаб қолиш учун боғчага етиб келди. Бомбани қидириш ишлари бошлаб юборилди. Шу пайт яна мудиранинг телефони жиринглади. Тағин ўша овоз:

—Ҳой мудира, боғчага бомба қўйилган! Ҳозир портлайди!

—Нега?... Бомба қаерга қўйилган?

Афсуски, опанинг бу саволлари жавобсиз қолди. Яна алоқа узилди. Бироқ тезкор ва ҳушёр осойишталик посбонлари "Боғчага бомба қўйилган..." деб дағдаға қилаётганларнинг масканини аниқлаб, қўлга олишди. Улар шаҳардаги 9-мактабнинг 11-синф ўқувчилари Кифер Егор Евгеневич, Быков Владимир Геннадьевич ва Григорьев Павел Викторовичлар бўлиб чиқди. Жиноятчилар боғчага ҳеч қанақа бомба қўймаганлигини, фақат мудирани қўрқитиб, «бир таъзирини бериб қўйиш» учун унга шу ёлғон хабарни етказиб, дағдаға қилаётганликларини айтишди.

Ё алҳазар, деб ҳайратдан ёқа ушлайсан киши: наҳотки ўрта мактабни битириш арафасидаги йигитчалар шунчалик қалтис ишга қўл уришса, юз тубан кетиб, ёлғон гапиришга журъат этишса!

Ахир, мамлакатимиз таълим-тарбия масканлари дастурида болаларни боғчадан бошлабоқ ёлғончиликка нафрат руҳида тарбиялаш кўзда тутилган-ку! 9-мактабнинг ўқувчилари шу қадар жоҳилликка қўл урган экан, демак, бу ерда ана шу дастурларга лоқайд қаралмоқда. Ўқитувчилар таълим-тарбия ишини ўз ҳолига ташлаб қўйиб, шахсий "тирикчилик" билан машғул бўлиб кетганга ўхшайди. Акс ҳолда ўқувчилари бунақа "ўт" билан ўйнашмасди. Бу маълум ҳодиса мактабда тартиб-интизомнинг ғоят бўшаштириб юборилганлигидан, ўқувчиларда ҳатто манқуртлик (бошқача қандай аташ мумкин?) аломатлари юзага келаётганидан далолат беради. Бундан нафақат Чирчиқ шаҳар халқ таълими мутасаддилари, балки ҳаммамиз тегишли хулоса чиқариб олишимиз, бундай ташвишли ҳодисаларнинг такрорланмаслиги чораларини кўришимиз зарур.

Ёлғон гапириш нафақат бизнинг ўзбекона қадриятларимизда, балки жаҳондаги барча динларда, жумладан, ислом динида қаттиқ қораланадиган қабиҳ иллатдир.

Бир ёлғон гапиришга одатланган киши пайғамбаримиз /С.А.В./дан сўради:

—Эй расуллилоҳ, мен ҳам мусулмон бўлишни мақсад қилдим. Энди ишни намоз ўқишдан бошлаш зарурми ё ёлғон гапириш одатимни ташлайми?

—Бас, мусулмон бўлиш ҳақидаги мақсадинг қатъий экан, —дейдилар Расуллилоҳ, — аввал ёлғон гапириш балосидан холос бўл. Негаки, ёлғон бор жойда чин намоз ҳам бўлмайди.

Расуллилоҳ Оллоҳга ҳам, бандасига ҳам манзур бўладиган ҳақ гапни айтган эканлар. Ёлғон барча ишларнинг онаси. У бор жойдан иймон, меҳр-оқибат қочади. Шунинг учун ҳам халқимиз фарзандларини жудажуда ёшлигидан бошлабоқ ростгўйликка чақиради, ёлғон гапирмасликка даъват этади.

"Боғчага бомба қўйилган!" деган даҳшатли ёлғонни бир эмас, уч бор такрорлаган уч ўқувчининг ўқитувчиларию ота-оналари наҳотки бу ёшларга "ёлғончининг ҳолига вой" бўлишини тушунтира олмаган бўлса. Э, ҳайфе, бунақа ўқитувчию ота-оналарга.

Чирчиқдаги 9-мактаб ўқувчиларининг юқоридаги қалтис ёлғонлари нақадар хунук оқибатларга олиб келишини тасаввур қилган киши даҳшатга тушади ва беихтиёр ғазабга келади. Зеро, уларнинг бу жиноий ҳаракатлари ақл доирасидан ташқаридадир.

"Боғчага бомба қўйилган" деган мудҳиш хабардан ўша куни нафақат ИИБ ходимлари, балки прокуратура ва МҲХ идоралари мутахассислари ҳам оёққа туришди (Гап болалар боғчасидаги кичкинтойларнинг ҳаёти ҳақида борар экан, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да!). Бомбани топиш ва уни зарарлантириш учун қанчадан-қанча техника ва транспорт жалб этилди. Булар учун кетган сарф-харажатлар-чи?! Шуларни ўйларкансан, уч манфур ўқувчининг ёлғон хабари давлатимизга (демакки ҳаммамизга) қанча кўп моддий ва маънавий зарар етказганлигини тасаввур қилиш қийин.

Дарвоқе, "Бу болаларнинг шунчалик қалтис ёлғонга қўл уришларининг сабаби нимада" деган савол туғилиши ҳам мумкин. Маълум бўлишича нодонларнинг мазкур жиноятга қўл уришларига сабаб Владимирнинг ўша боғчада ишловчи онаси Быкова Ирина Владимировнанинг ишдан бўшатилиши эмиш. Владимир ўз ўртоқлари билан боғча мудирасининг бу қилмиши учун қасд олиш мақсадида мана шу қабиҳ ёлғончиликка қўл урган экан...

Хуллас, Чирчиқда бўлиб ўтган бу хунук воқеа халқаро терроризм жазавага тушган, диний экстремистик кучлар вақти-вақти билан гоҳ у, гоҳ бу жойда ваҳшиёна хуруж қилиб турган шу кунларда, юқорида таъкидлаганимиздек, ақл доирасига сиғмайдиган жиноятдир. Айни пайтда унга қўл урганларнинг устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Улар, албатта, қилмишларига яраша жазо оладилар.

Бу табиий. Лекин гап жазодагина эмас. Мутасаддилар, қолаверса, кенг жамоатчилик Чирчиқда бўлиб ўтган мазкур ҳодиса ҳеч қаерда такрорланмаслигининг чораларини кўриши зарур. Бу айниқса, "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра" шиори ўртага ташланган шу кунларда муҳим. Шундай эмасми, азиз муштарийлар?

Мурод КАЛОНХОН

ТАЛАБ ЎЗГАРДИ

буни ўқитувчи ва талаба ҳис қилаяптими?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Институтимиз мисолида айтадиган бўлсам, бакалавриат ва магистратура босқичида жами 200 та фан ўқитилади. Бу ҳар бир факультетга 50 тадан фан тақсимланади, деганидир. Профессор-ўқитувчилар рейтинг тизими моҳиятини тўлиқ англаб етишган. Улар талаба эгаллаши мумкин бўлган билимлар жамламасини етказишга ҳаракат қилишмоқда. Институтимизда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 10 июлдаги 184-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Олий ўқув юртларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини тўғрисидаги намунавий Низом", 1999 йил 6 июлдаги 194-сонли "Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруқ ва унга қўшимчалар киритилган 2000 йил 7 февраль 27-сонли буйруқлар асосида ўз вақтида тадбирлар ишлаб чиқилди ва уларни бажариш чоралари кўрилди. Кафедраларда ўқитиладиган ҳар бир фан бўйича талабалар йиғиши мумкин бўлган максимал баллар аниқланиб, бу балларни шу фан бўйича ўтказиладиган жорий, оралиқ ва якуний назоратлар ўртасида тақсимлаш мезонлари ишлаб чиқилди ва рейтинг балларнинг ҳисоблаш жадваллари тузилиб, улар талабалар ҳукмига ҳавола қилинди. Шу жадвалларга асосан ҳар бир талаба ўзининг ўқиш жараёнини режалаштириб, бутун семестр давомида ўқув юкламаси бир текисда бўлишига имкон яратилганидан фойдаланиши мумкин.

— Албатта, институтингизда рейтинг тизимидан фойдаланишда маълум тажрибалар тўпланган бўлса керак?

— Тажрибалар бор. "Графика" кафедраси профессори Азимжон Акбаров, "Қурилиш механикаси" кафедраси ўқитувчилари рейтинг тизимини такомиллаштириш хусусида изланишлар олиб боришяпти.

Ҳамма фанлар бўйича якуний назоратни, кафедралар фикрига мувофиқ, баъзи фанлардан оралиқ назоратни ҳам, ёзма иш билан ўтказиш кераклиги деканатлар, ўқув бўлими ва кафедралар олдига янги муаммолар қўйди. Ёзма иш 1-2 ҳафта ичида, 14-16 фандан ўтказилиши, яъни талаба ҳар куни 2-3 фандан ёзма иш ёзиши керак бўлиб қолди. Бу муаммони кафедралар ва деканатлар ўқув режасидаги турдош фанларни бир-бири билан бирлаштириб, уларни йириклаштириш ҳисобига ечдилар. Энди ҳар семестрда ўқитиладиган фанлар сони (демак, якуний назорат - ёзма иш сони) 9-10 тадан ошмайди. Ўзгартирилган ўқув режалари факультетлар илмий кенгашларида кенг муҳокама қилиниб, тасдиқлаш учун тавсия қилинди.

Факультет ва кафедра раҳбарлари, айниқса, юқори курслар ўқитиладиган ихтисосий ва йўналиш фанлари бўйича ўтказиладиган рейтинг назоратларини бир йўсинда ўтказиш устида ҳам изланмоқдалар. Масалан, шу йил октябрь ойида қурилиш факультети услубий комиссияси ташаббуси билан институт микёсида семинар ўтказилди. Саволлар кўп бўлди. Қурилиш факультетининг рейтинг назорати ўтказиш бўйича қабул қилган йўриқномаси кафедраларга тарқатилди. Ўз навбатида кафедралар бу йўриқномани ўрганиб чиқишяпти.

— Ҳеч қандай муаммоларга дуч келинмаяпти, деган фикрга қўшилмайсиз, шундайми?

— Кейинги икки йил давомида олинган якуний назорат натижалари шуни кўрсатмоқдаки, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими қанчалик илғор усул бўлмасин, кўпчилик фандан ўзлаштириш фоизлари кескин ўсгани йўқ. Бунга сабаб баъзи ўқитувчиларнинг ўз ишига ижодий ёндошмаётганликлари, ўзибўларчиликка берилганлиги, эскича иш услубидан қутулолмаётганликларидир.

Иккинчи сабаб эса талабаларнинг маълум қисмида ўқишга бўлган ҳаваснинг камлиги, чуқур билим олишга иштиёқ йўқлиги, билим олиш натижаларига бефарқлиги, қисқа даврнинг қадрига етмаслиги билан ҳам боғлиқ.

Фикримча, тўпланадиган рейтинг баллар мавқеини кўтариш, чуқур билим олиб, кўпроқ рейтинг баллар йиғишни рағбатлантириш керак. Сир эмаски, талабалар ўртасида 55 фоиздан сал кўпроқ балл йиғсам бўлди-да, деганлар ҳам бор.

Хулоса қилиб айтганда, рейтинг тизими таълимнинг барча бўғинлари учун хос ва мосдир. Бу борада тўпланган тажрибалар хулосаси шундай. Муаммолар йўл-йўлакай ҳал қилинаверади, деб ўйлайман.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.

БАҲС-МУНОЗАРАГА АЙЛАНДИ

Tadbir

Тошкент Давлат юридик институтида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласини талаба ёшлар орасида тарғиб этишнинг долзарб муаммолари" мавзуида маънавий-маърифий, илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда институтнинг ўқитувчилари, талабалари ҳамда таклиф этилган мутасадди шахслар иштирок этдилар.

Институт ректори, юридик фанлари доктори, профессор Ҳалим Бобоев семинарни кириш сўзи билан очар экан, миллий мафкурани ҳаётга тадбиқ этиш борасида қисқача маъруза қилди. Шундан сўнг, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов, миллий мафкура илмий тарғибот маркази директори, педагогика фанлари доктори М.Куронов, институтнинг фалсафа кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори З.Гофуровлар сўз олиб, миллий истиқлол мафкурасининг назарий асослари, шунингдек, уни халқимиз, хусусан, талаба-ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг йўл-йўриқлари, усуллари, воситалари ва аҳамияти тўғрисида гапириб ўтдилар.

Тадбир баҳс-мунозарага бой бўлди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Акрамжон ХЎЖАМОВ, Тошкент Давлат юридик институти 3-курс талабаси

ОЛИМПИАДА: БАРЧАСИ БИРИНЧИ БОСҚИЧГА БОҒЛИҚ

Rasmiy bo'lim

Бозор иқтисодиёти шароитида барча соҳаларда рақобат бўлиши талаб этилади. Ҳозирги ўтказилаётган спорт мусобақаларида, турли хил кўрик ва танловларда рақобат орқали яхши натижаларга эришилмоқда. Барча жабҳаларда бўлганидек, таълимда ҳам рақобатнинг ўзига яраша ўрни бор. Мазкур рақобат умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган олимпиаданинг 4 та босқичида ҳам кузатилади.

Ҳар йили олимпиадани тўғри ташкил қилиш мақсадида РТМ томонидан методик тавсиялар ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади ва мазкур йўриқномалар асосида мактаб, туман, вилоятларда олимпиаданинг I-II-III босқичлари ўтказилади. Олимпиаданинг I босқичи Тошкент шаҳри мактабларида таътил кунлари ўтказилди. Айни кунларда эса вилоят мактабларида ўтказилмоқда. Хўш, олимпиадалар мактабларда қай тарзда ташкил қилинмоқда? Мазкур жараён пойтахтдаги бир қатор ҳамда Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги бир неча мактаблар ишида кузатилди.

Кўрилган мактаблар Марказ томонидан тайёрланган йўриқномалар асосида иш олиб бормоқда.

Олимпиадани ўтказиш бўйича керакли бўлган барча меъёрий ҳужжатлар расмийлаштирилди, ўқувчиларнинг кўпчилиги мактаб олимпиадаларига жалб қилинган. Лекин кузатилган мактабларда олимпиада жараёни бир хил талаб даражасида олиб бориляпти, деб бўлмайди. Айрим мактабларда ўтаётган олимпиадалар паст савияда ўтказилмоқда. Бу ҳолат Чилонзор туманидаги 162-, 90- мактабларда, Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактабда, А.Икромов туманидаги 287- мактабларда кузатилди. Кўпгина мактабларда фанлардан тайёрланган тест саволлари ва топшириқлар талаб даражасида эмас, уларни тузишда амалдаги дастурлардан кам фойдаланилган. Баъзи фанлар бўйича эса тест саволларини тузишда айрим қўпол хатоларга йўл қўйилган. Баҳолаш мезонларига кўра саволлар сони 40 та бўлиши белгилаб қўйилганлигига қарамасдан, уларда тест саволларининг сони 20 та, баъзиларида 60 тадан ортиқ тузилган. Тест саволларида жавоблар сони ҳам бир хил эмас. Айримларида 3 та, бошқаларида 4 тадан бўлиб, бу жавобни тасодифий топиш эҳтимоли даражасини бироз оширади. Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги мактабларда олимпиаданинг I босқичини 1 декабргача ўтказиш белгиланган бўлса-да, тайёргарлик ишлари суст олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Мактабларда ташкилий қўмита, ҳакамлар ҳайъати тузилмаган. Тест саволлари тайёрланмаган. Юборилган йўриқномалар мактабларга ўз вақтида етказиб берилмаган, муддат эса ўтиб бормоқда. Айрим вилоятларда мактаб олимпиадаларини номигагина ўтказиш натижасида салоҳиятли, билимли, зукко ўқувчилар четда қолиб, олимпиадада дуч келган, етарли билимга эга бўлмаган ўқувчилар иштирок этмоқда ва улар Республика олимпиадасининг IV босқичига қадар етиб келмоқдалар. Шу боис олимпиаданинг IV босқичида улар паст натижалар кўрсатмоқда. Масалан, жорий йилда ўтказилган Республика олимпиадасида сурхондарёлик ўқувчи географиядан 18 балл, физикадан 20 балл, сирдарёлик ўқувчи немис тилидан 22 балл, жиззахлик ўқувчи чизмачиликдан 18 балл, кимёдан 28 балл тўплаганлар.

Мактаб олимпиадаларини ўтказиш тўғри йўлга қўйилмас экан, бу ҳол туман, вилоят миқёсида ҳам давом этиши муқаррар. Олимпиада натижаларининг самарали чиқиши учун бутун эътиборни мактаб олимпиадасига қаратиш ва бунда ўқувчилар ўртасида рақобатлашишни тўғри ташкил қилиш лозим. Чунки рақобат бор жойда ўсиш борлигини тўлиқ англаб етиш давр талаби эканлиги бугун барчамизга маълум.

РТМ Умумий ўрта таълим бўлими

ЎҚИШ ВА ИШ УЙҒУНЛИГИ

Ibrat

"Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғлик фаол муносабатда бўлишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак", дея уқтириб ўтганди Президентимиз Ислом Каримов.

Ҳозирда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастур"ини амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш йўлида ёш кадрлар сонини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шундай қилиб, республикамизнинг бошқарув тизими идораларида, турли давлат ва нодавлат ташкилотларида ва банкларда ёш, малакали мутахассислар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Буларга мисол тариқасида Тошкент шаҳар Миробод тумани суди жамоасини олайлик. У ерда беш-олти нафар ёш ходим ишлайди. Шулардан бири Баҳодир Эргашевдир. Баҳодир судда котиблик лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Нега айнан бу йигит ҳақида ёзмоқчиман? Чунки иш жойидаги бошқа ёш ходимлардан фарқли ўлароқ, у талабадир. Баҳодир Тошкент Юридик коллежининг 4-курсида таҳсил олади. Ўқиш ва иш уйғунлиги деб шуни айтсалар керакда. Бу ёш ходимга ҳам таҳсил олиб, ҳам ишлаш мушкул келмаяптимикан?

— Ҳар бир инсон ўз эзгу ниятларига етишиш учун, авваламбор, ғайрат билан бунга бел боғлаши лозим, — дейди Баҳодир. — Менинг ниятим — келажакда халқимнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилувчи, адолат йўлида фидойи фарзанд бўлиш. Қолаверса, мен ўз соҳамни севаман, менга дарс соатларидан олинган маълумот озлик қилади. Иш жойим эса юридик малакамни оширишга улкан ҳисса қўшади.

Ҳа, ўзбегимнинг шундай серғайрат, фидойи фарзандлари бор экан, халқнинг келажаги, албатта, порлоқ бўлади.

Ж.САЪДИНОВ

КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ ЮТУҚЛАРИМИЗ ГАРОВИДИР

Tajriba-sinov maydonchalarida

ЎМКҲТ Марказининг буйруғи билан Гулистон Давлат университети қошидаги Янгиер академик лицейида 1999 йилнинг сентябр ойидан бошлаб "Аниқ фанлар" йўналиши бўйича тажриба-синов майдончаси ташкил этилган. Ушбу йўналишда тажриба-синовни муваффақиятли олиб бориш ва унга раҳбарлик қилиш учун лицейда 23 нафар кишидан иборат илмий-методик кенгаш тузилди ҳамда тест тузувчи гуруҳлар, эксперт гуруҳлари ташкил этилди. Шунингдек, бу жараёнга Гулистон Давлат университетидан илмий маслаҳатчилар жалб этилди.

Мазкур лицей директорининг ўқув ишлари бўйича муовини, тажриба-синов бўйича илмий-методик кенгаш раиси Барака Холиқулов бу ерда ўтказилаётган тажриба-синовларнинг ўтган йилги якунлари ва ҳозирги кунда олиб борилаётган ишлар хусусида шундай дейди:

— Ҳаммангизга маълум, тажриба-синов майдончаларига давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари каби ҳужжатларнинг учта асосий тўпламлари тақдим этилган. Тажриба-синов ишлари йўриқномасида "аниқ фанлар" йўналиши бўйича асосий ва қўшимча чуқурлаштирилган фанлар (яъни алгебра, геометрия, қизиқарли математика, математика тарихи, функциялар ва графиклар, олимпиада масалалари, физика, информатика, кимё) қайд этилгандир. Бу фанлар бўйича тажриба-синов ишларини олиб боришда ЎМКҲТ Маркази томонидан алоҳида-алоҳида тажрибавий дастурлар билан таъминландик. Академик лицейимизда бу дастурларни амалда синаб кўриш учун ўқув база ва педагогик кадрлар салоҳияти етарли. Чунки, лицейда 2 та физика, битта кимё, 2 та биология фанларининг лабораториялари, 3 та компьютер синфхонаси, ҳисоблаш маркази, 3 та лингафон хонаси мавжуд. Айни пайтда лицейда меҳнат қилаётган 71 нафар педагогик ходимлардан 2 нафари профессор, 11 нафари фан номзодлари, доцентлар, 23 нафари олий, 18 нафари биринчи, 10 нафари иккинчи тоифали ўқитувчилардир. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар ичида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, халқ таълими аълочилари, олий ва ўрта махсус таълим фидойиси нишондори, "Устоз" жамғармасининг 8 нафар голиблари меҳнат қилишади.

Бу эса ютуқларимиз гарови бўлади. Биз тажриба-синов бўйича ўқув ишларини бошлаш баробарида олдин йўриқномада тавсия этилган талабларни ўқув режа ва дастурларида қандай даражада ўз аксини топганлигини аниқлаб чиқдик. Тажриба-синов ишлари қандай ўтаётганлиги ва унинг натижалари доимий равишда академик лицейнинг илмий-педагогик, илмий-методик кенгашларида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилиниб турилди. Шунингдек, улар ҳақида вилоят ЎМКҲТ бошқармаси ва ЎМКҲТ Марказига маълумотлар берилиб турилди.

Тажриба-синовдан ўтаётган ўқув-меъёрий ҳужжатлар муҳокамаси бўйича ўтказилган вилоят ва республика миқёсидаги барча анжуман ва тадбирларда лицей ўқитувчилари фаол иштирок этиб, ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдириб боришди. Натижада дастурларда ажратилган соатлар, мавзуларнинг жойлашуви, уларнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшдик. Масалан, "Функция ва графиклар" дастуридаги материалларни "Алгебра ва анализ асослари" қисмига ўтказишга муваффақ бўлдик.

Дастурларни синовдан ўтказишда йўриқноманинг 6-иловасига асосан, тест топшириқларини туздик ва унинг натижаларини йўриқноманинг 7-иловасида кўрсатилгандек, таҳлил қилиб, хулосалар чиқардик. Бу тест синовлари қуйидаги тартибда амалга оширилди:

1-тест синовлари фан ўқитувчилари, 2-тест синовлари эса илмий-методик кенгаш томонидан олинди. 3-тест синовлари университет илмий кенгаши, вилоят ЎМКҲТ бошқармаси, ота-оналар вакилларидан иборат эксперт гуруҳи томонидан амалга оширилди, 4-тест синовлари ЎМКҲТ Марказининг эксперт гуруҳи томонидан белгиланган муддатларда ўтказилди ва унинг натижалари юқорида қайд этилган йўриқноманинг 6-7 иловалари бўйича таҳлил этиб борилди.

Мазкур тест-синовлари натижаларига кўра, тажриба-синов майдончасида иштирок этаётган ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси 65 фоиз, 67 фоиз, 72 фоиз, ҳатто 80 фоизларни ташкил этди.

Шунингдек, янги тажрибавий дастурлар асосида ўқитишда лицейда мавжуд бўлган барча ўқув-техника воситалари, кўргазмали қуроллар, ноаънанавий дарслар, янги педагогик технология элементларидан унумли фойдаланилди.

Тажриба-синовда иштирок этаётган ўқувчилар билан Гулистон Давлат университети профессор-ўқитувчиларининг, илгор педагогларнинг учрашувлари уюштирилди, ҳар хил кечалар, баҳслар ўтказилди. Ўқувчиларнинг дарсга мустақил равишда тайёргарлигига катта эътибор бердик. Улар рефератлар, конспектлар ёзишга ўргатилди.

Лицейимизда ушбу тажриба-синов ишларини ўтказиш жараёнида РТМ, ЎМКҲТ Ривожлантириш институти, вилоят ЎМКҲТ бошқармаси, ГулДУ, СамДУ, ТДПУ, ТТУ, ФДУ ва Ўзбекистон Миллий университетининг олимлари ҳамда дастур муаллифлари билан ҳамкорлик қилинди. Ушбу ишларни амалга оширишда лицейимизнинг олий тоифали ўқитувчиларидан И.Алиасқаров (марҳум), Ҳ.Норжигитов, Р.Сангилов, доцентлардан С.Ҳакимов, М.Исроилов, Ғ.Раҳмонов, И.Исоқов, I-тоифали ўқитувчилардан М.Мавленова, М.Холматова, А.Гадоев ва бошқаларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Тажриба-синов ишларини амалга оширишда ўзига хос муаммо ва қийинчиликлар ҳам бўлди. Масалан, тажриба-синов дастурларидаги кўпчилик мавзуларнинг янгилиги туфайли амалдаги мавжуд дарсликларнинг қисман тўғри келмаслиги, кўшимча адабиётларнинг аксарияти рус тилида эканлигидир. Биз бу муаммони ҳар бир ўқитувчига мавзуларни бўлиб бериб, маъруза матнлари тайёрлаш ва хорижий тиллардаги адабиётлардан таржималар қилиш йўли билан ҳал қилдик. Яна битта муаммо, бу ўқувчиларнинг ўзлаштира олиш қобилиятларининг бир ҳилда эмаслиги бўлди. Бу қийинчиликни эса паст ўзлаштирувчилар билан ишлайдиган алоҳида ўқитувчилар гуруҳини ажратиш билан бартараф этдик.

Бу йил ҳам тажриба-синов бўйича қилинадиган ишларни ўтган ўқув йилидагидек ташкил этаяпмиз. Натижалар ёмон бўлмаслигига ишонамиз.

Нурлан УСМОНОВ ёзиб олди.

РИСОЛА ТАРҒИБОТИГА БАҒИШЛАНДИ

Республика "Маҳалла" жамғармасида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласини халқ оммаси орасида тарғиб этишнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.

Анжуманда сўзга чиққан Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимовнинг таъкидлашича, миллий истиқлол мафкурасини халқимиз қалби ва онгига сингдиришнинг йўл-йўриқлари, усуллари, воситалари тўрт йўналишда олиб борилиши керак.

Аввало, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун алоҳида, олий ўқув юртлари учун алоҳида дарсликлар ёзилиб, давлат ўқув дастури асосида махсус фан сифатида ўқитилиши керак. Миллий истиқлол ғояси халқ оммасига жонли мулоқотлар, хусусан, маъруза, суҳбат, учрашув, савол-жавоб кечалари ва бошқа маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш орқали сингдирилади. Тарғиб қилишнинг яна бир муҳим йўналиши оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб ва ташвиқ этишдир.

Амалга оширилган ишларнинг самараси, яъни миллий истиқлол ғояси, асосий тушунча ва тамойилларнинг халқимиз қалб - шуурига қай даражада етиб борганлигини изчил равишда ўрганилиб борилиши тўртинчи йўналишдир.

Йиғилишда кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун маҳаллалар жуда катта ва қулай имкониятларга эга эканлиги қайд этилди.

"Туркистон-пресс"

Зулфия номидаги Давлат мукофотига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари томонидан тавсия этилган номзодлар рўйхати

АНДИЖОН

Райимбердиева Зулфия Раҳмонбердиевна — Қўрғонтепа туманидаги 21-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси — Адабиёт*

Акбаралиева Зиёда Абдуманноповна — Асака шаҳридаги 1-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси — Санъат

Қўчқорова Ҳилола Норқўзиевна — Андижон Давлат университети ботаника ва экология кафедраси аспиранти — Фан

Узоқова Хуршида — Андижон шаҳридаги "Тараққиёт" марказида инглиз тили ва нотиқлик санъати бўйича ўқитувчи — Таълим

Мамасиддиқова Фотимахон Ҳакимжон қизи — Олтинкўл туманидаги банк коллежи 5-босқич талабаси, коллеж қошидаги "Дил таронаси" бадиий дастаси бош балетмейстри — Маданият

БУХОРО

Очилова Хадиябону Мансуровна — Бухоро шаҳар 6-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси — Адабиёт

Раҳмонова Нав-баҳор Халиловна — Шофиркон туманидаги 4-мактабнинг 11-синф ўқувчиси — Таълим

Ҳамраева Шаҳло Миржановна — Бухоро Давлат университети, Ўзбек филологияси факультети 3-курс талабаси — Фан

Сайлиева Умида Тўхтамишевна — Жондор тумани, О.Хўжаев номидаги 31-сон тармоқ кутубхонаси кутубхоначиси — Маданият

Бўронова Наргиза Мавлоновна — Жондор тумани, 11-мактабнинг 11-синф ўқувчиси — Санъат

ЖИЗЗАХ

Ражабова Дилфуза Шавкатовна — Жиззах Давлат педагогика олийгоҳи қошидаги иқтидорли ўқувчилар лицейининг 11-синф ўқувчиси — Фан

Алимова Бувхилол Абдувоҳидовна — Ғаллаорол туманидаги умумий ўрта таълим касб-ҳунар лицейида тасвирий санъат, чизмачилик фани ўқитувчиси — Санъат

Мўминова Шоҳида Ёқубовна — Жиззах туманидаги П.Собиров номли 11-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси — Адабиёт

Сафарова Дилором Салоҳитдиновна — Жиззах Давлат Политехника институти енгил саноат технологияси ва механика кафедраси лаборанти — Таълим

Абдуназарова Матлуба Саидакбаровна — Арнасой туман акциядорлик тижорат "Пахтабанк"ида назоратчи — Маданият

НАВОИЙ

Ражабова Муҳаррам Муҳаммадовна — Навоий тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати уста-рассоми — Адабиёт

Исанова Зебинисо Холмуродовна — Навоий Кончилик институти ҳузуридаги лицей-интернатнинг 11-синф ўқувчиси — Фан

Нуримбетова Муслима Равиловна — Конимех туманидаги 7-мактабнинг 8-синф ўқувчиси — Санъат

Зойирова Лола Ҳамидовна — Навоий Давлат педагогика институти ҳузуридаги академик лицейнинг 3-курс талабаси — Таълим

Файзиева Азиза Кувондиқовна — Кармана туманидаги Ф.Хўжаев номли 2-ўрта мактабнинг 3-синф ўқувчиси — Маданият

НАМАНГАН

Зокирова Гулчеҳра Баҳрамовна —"Ўзбекистон овози" газетаси мухбирлик курси тингловчиси — Адабиёт

Азизова Гулнора Абдурахимовна — Чортоқ туманидаги 13-кутубхона мудираси — Маданият

Мирзакбарова Холида Тўрамирзаевна — Янгиқўрғон тумани, 33-мактабнинг 7-синф ўқувчиси — Санъат

Тўрахўжаева Иқболхон Жўрахон қизи — Мингбулоқ тумани, С.Рашидов номли лицей-интернатнинг 9-синф ўқувчиси — Таълим

Орипова Дилноза Юлчибаевна — Наманган Давлат университети 4-курс талабаси — Фан

САМАРҚАНД

Асқарова Гулжамол Шодмоновна — Каттақўрғон тумани "Ҳилол" газетаси ходими — Адабиёт

Узоқова Дилдора Алишеровна — Каттақўрғон шаҳри, А.Икромов номидаги педагогика билим юрти "Тасвирий санъат ва чизмачилик" бўлими 4-гуруҳ талабаси — Санъат

Сафарова Гулноза Тошпўлатовна — Самарқанд Давлат университети Информатика ва Информацион технология факультетининг 4-курс талабаси — Фан

Муҳиддинова Назмия Муслихитдиновна — Самарқанд Давлат университети академик лицейининг 3-курс талабаси — Таълим

Пўлатова Дилёра Келдишевна — Вилоят кутубхонасида кутубхоначи — Маданият

СИРДАРЁ

Зойитова Шаҳло Набиевна — Меҳнатобод тумани халқ таълими бўлими ёшлар билан ишлаш бўйича мутахассис, 1-мактаб ўқитувчиси — Адабиёт

Нукурадзе Нонна Игорьевна — Сирдарё тумани, 39-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси — Таълим

Абдураимова Сабоҳат Баҳодировна — Гулистон туманидаги 1-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси — Санъат

Ғайбиева Малика Мавлон қизи — Ширин шаҳар 2-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси — Маданият

Раджабова Зуҳра Тиркашовна — Сирдарё туманидаги Бахт шаҳар 3-болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказининг ўқитувчиси — Санъат

СУРХОНДАРЁ

Холмуродова Зебунисо Баҳодиржоновна — Сариосиё туманидаги 4-мактабнинг 11-синф ўқувчиси — Адабиёт

Меликулова Сурайё Усмановна — Олтинсой туманидаги 39-мактаб кутубхоначиси — Адабиёт

Тошбоева Рохат Эшмаматовна — Шўрчи туман марказий кутубхонасида кутубхоначи — Маданият

Нуриддинова Мадинабону Чориевна — Термиз шаҳридаги 3-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси — Таълим

Бўронова Вероника Зуфаровна — Жарқўрғон шаҳар 1-сон ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси — Санъат

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Авлияқулова Азиза Авазовна — Қибрай тумани, Тошкент Давлат Аграр университети иқтисод факультети 4-курс талабаси — Фан

Колесникова Ирина Сергеевна — Янгийўл шаҳар, 3-касб-ҳунар мактаби ўқувчиси — Санъат

Ражабова Дилафрўз Одиловна — Оққўрғон тумани, Тошкент тиббиёт олийгоҳи 1-курс талабаси — Таълим

Турғунбоева Гулноза Тоштемировна — Паркент тумани, 12-ўрта мактаб 11-синф ўқувчиси — Адабиёт

Оқилова Марғубахон Абдухамидовна — Пискент тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи инглиз тили ўқитувчиси — Маданият

ТОШКЕНТ ШАҲАР

Бегимова Дилфуза Худойбердиевна — (марҳума) — Адабиёт

Шерматова Дилноза Равшановна — Ҳамза тумани, 230-мактабнинг 7-синф ўқувчиси — Санъат

Олимжонова Гулчеҳра Акрамжоновна — Тошкент Давлат иқтисодиёт университети магистратураси 2-курс талабаси — Фан

Каримова Моҳичеҳра Абдуқаюмовна — 1-Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг 601-иқтидорлилар 5-босқич талабаси — Таълим

Тўхлиева Наргиза Боқижоновна — Алишер Навоий номидаги нафис санъат лицейининг 11-синф ўқувчиси — Маданият

ФАРҒОНА

Довудова Дилзода Сулаймоновна — Қўқон шаҳридаги 32-сонли физика-математика махсус мактабнинг 9-синф ўқувчиси — Таълим

Ҳусанова Дилноза Рустамовна — Фарғона шаҳар 3-сон мусиқа мактабининг халқ рақси бўйича ўқитувчиси — Санъат

Акбарова Муаттархон Баҳодировна — Фарғона Давлат университети табиёт факультетининг кимё ихтисослиги 3-босқич талабаси — Фан

Тешабоева Муҳайё Жўрабоевна — Риштон тумани, 27-мактабнинг 9-синф ўқувчиси — Маданият

Сиддиқова Нодира Имомали қизи — Ўзбекистон тумани, 35-таянч мактаби ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси — Адабиёт

ХОРАЗМ

Юсупова Насиба Рустамовна — Янгибозор тумани, "Янгибозор кўзгуси" газетаси бўлим мудири — Адабиёт

Сотлиқова Римажон Олимжоновна — Урганч шаҳар, 8-сон кўп тармоқли лицей-интернатнинг 7-синф ўқувчиси — Маданият

Искандарова Дилора Бектурдиевна — Урганч шаҳар, М.Харратов мусиқа билим юрти ўқитувчиси — Фан

Рўзметова Малоҳат Эркинбоевна — Боғот тумани, Бобур номли 1-сон ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси — Таълим

Ибодуллаева Зубайда Каримбековна — Хонқа тумани, Мадир қишлоғи. Болалар ижодий маркази қатнашчиси, ҳайкалтарош — Санъат

ҚАШҚАДАРЁ

Эшманова Малика Раҳматуллаевна — Китоб тумани, Алишер Навоий номли 11-мактабнинг 11-синф ўқувчиси — Адабиёт

Холмаҳматова Шахноза Бахтиёр қизи — Шаҳрисабз тумани, Алишер Навоий номли 102-сон ихтисослашган мактаб — Санъат

Набиева Азиза Азимовна — Косон тумани, У.Носир номли 13-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси — Маданият

Очилова Гулруҳ — Ғузор тумани, Ойбек номли 22-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси — Фан

Ярматова Нилуфар Карим қизи — Баҳористон тумани, бизнес мактаби тасвирий санъат фани ўқитувчиси — Таълим

ҚҚР

Абдуллаева Нафиса Нуруллаевна — Тўрткўл туманидаги 30-сонли мактабнинг 11-синф ўқувчиси — Таълим

Бекчанова Шаҳло Оллаёровна — Беруний туманидаги 9-сонли мактабнинг 11-синф ўқувчиси — Таълим

Болтабоева Зулхумор Ўрозбоевна — Амударё тумани, Манғит шаҳридаги 40-сонли мактабнинг 9-синф ўқувчиси — Адабиёт

Мамутова Диана Сабитовна — Қўнғирот туманидаги 83-сонли мактабнинг 7-синф ўқувчиси — Маданият

Тогизбаева Раҳила Бегимхонова — Нукус шаҳри, ҚҚР тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати 9-синф ўқувчиси — Санъат

"КАМОЛОТ"

Пўлатова Дилдора Абдусатторовна — 1-Тошкент педагогика билим юртининг 3-курс талабаси — Адабиёт

Мирсолиҳова Нигора Мирзафаровна — Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатининг 9-синф ўқувчиси — Санъат

* Йўналишлар.

ЎҚУВЧИ ЖИТОҲИДАГИ ЖОНЛИ ТАРИХ

Maktablar hayotidan

"Тонг саҳарда Самарқанд йўлига отландик. Йўлда кетар чоғимизда қалбимда тушуниб бўлмас туйғулар пайдо бўла бошлади. Бу тарихий шаҳарга яқинлашар эканмиз, кўз олдимга тарих саҳнаси, шаҳар атрофидаги боғлар, водийлар орасида Бобур Мирзо ва Шайбонийхон қўшинларининг жанг қилаётгани келарди..." Бу тасвир ҳеч қандай бадиий асардан ёки бирор-бир кинодан парча эмас, пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Бадриддин Шоший номидаги 91-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ирода Мусаеванинг биринчи чорак якунидаги таътил вақтида Самарқанд шаҳрига қилган сафар таассуроти ҳақида ёзган иншосидан иқтибосдир. Шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Муаттар Содиқова ўз иншосида шундай ёзади: "Бир куни тарих дарсида Роҳила опа Самарқандни босиб олиниши ҳақида гапириб бераётганда бир ўқувчи "Самарқандга борайлик", деб қолди. Шунда ўқитувчимиз "Майли, раҳбарлар билан гаплашиб кўрайчи", дедилар. Бир-икки кундан кейин боришимиз ҳал бўлганлигини айтди". Шундай қилиб, тарих фани ўқитувчиси Роҳила Турдиева ташвиқоти билан қадимий шаҳарлар Самарқанд ва Бухорога саёҳатлар уюштирилди. Ушбу саёҳат харажатларини болапарвар инсон Нозим Ҳикматов кўтарадиган бўлди.

Биз ушбу мактабда бўлиб ўқитувчию ўқувчилардан сафар таассуротлари ҳақида қизиқдик.

—Ўқувчилар саёҳат ҳақидаги таклифларини айтишганда жуда хурсанд бўлдим ва мактабимиз раҳбари Саломат Ҳожиматовага бу ҳақида айтдим. У киши ҳам ҳеч иккиланмасдан рози бўлдилар. Сафаримиз кўнгилдагидек ўтди, дея оламан, дейди тарих ўқитувчиси Роҳила Турдиева.

Ўқувчилардан ҳам ўз таассуротлари ҳақида сўрадим. Ҳар бир саволимга юзларида қувонч, кўзларида ҳайрат, сўзларида розилик аломати билан жавоб беришарди улар. Ўқувчиларга: "Сафар ҳақида ота-оналарингизга айтганингизда, улар буни қандай қабул қилишди?" дея савол берганимда, ота-оналар йиғилишига келган Мавлуда опа Хонхўжаева "Хурсандчилик билан рози бўлдик. Эҳ-ҳе бизнинг ўқувчилик давримизда бунақа гаплар қаёқда эди. Яна ўн марта эшитгандан бир марта кўришнинг афзаллигини фарзандларимиз билишди", дея жавоб берди. Ота-оналардан Вазира Каримжонова, Гулчеҳра Ризоқулова, Ҳулкар Ҳикматоваларнинг сўзлари моҳияти ҳам шу мазмунда бўлди.

Мактабдан қайтар эканмиз, ушбу жамоанинг эндиги мақсади мамлакатимизнинг яна бир қадимий маскани Хива шаҳрига қилинадиган саёҳат эканлигини билдик. Ва уларга нияти ҳамиша эш бўлишлигини истадик.

Шерали НИШОНОВ,
"Маърифат" мухбири

Суратда: ўқувчилар сафар таассуротлари ҳақида фикр алмашишяпти.
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ДАВР ИЖОДКОРЛИККА, ИЗЛАНУВЧАНЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Milliy dastur — amalda

Болалар боғчаларида бола сонининг кескин камайиб кетиши ҳеч кимга сир эмас. Кичкинтойларни болалар масканига жалб қилиш учун ота-оналар, маҳаллалар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бормоқдамиз. Болажонлар гулшанида шахмат, рақс, "Моҳир қўллар" сингари тўгараклар ташкил қилдик. Тажрибали, илғор тарбиячилар ширинтойлар билан машғулотларни мужассам тарзда, ноанъанавий усулда ўтмоқдалар.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга татбиқ этиш борасида жамоамиз аъзолари изланмоқдалар. 2000-2001 ўқув йилида таълим узвийлигини таъминлаш юзасидан 1-синф очдик. Синфда 28 ўғил-қиз таълим-тарбия олаяпти.

Болалар боғчаларига қамралмаган 15 нафар кичкинтой якшанбалик мактабида мактабга тайёрланаётир. Улардан 3 нафари кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидир. Муассасамиз "Мустақилликнинг 1 йиллиги" мактаби билан ҳамкорлик ўрнатган. Шунингдек, 6 соатлик гуруҳ ҳам фаолият кўрсатмоқда. Мазкур гуруҳда эса 28 нафар мурғак қалблар тарбияланаётир. Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши мактабгача ва бошланғич таълим муассасамиз фаолиятининг янада кенгайишига ёрдам берди. Дастлаб болалар сони кам бўлган 90 ўринли масканда айни чоқда 110 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланаётир.

Бўш хоналардан фойдаланиш мақсадида кичик корхона очдик. Унда тикув цехи, пойабзал таъмирлаш каби пуллик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Улардан тушган маблағ болалар масканининг моддий базасини мустаҳкамлаш, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминлаш учун сарфланади.

Нуридийдаларни маънавий пок, жисмонан соғлом бўлиб вояга етказиш йўлида янгиликлар сари олға интилаверамиз.

Ш.ЎЛЖАЕВА,
Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 4-"Лола" мактабгача ва бошланғич таълим муассасаси раҳбари

ТЕРАН ФИКРЛИ БОЛАЖОНЛАР

Борлиқ табиат қучоғида эркаланиб, куннинг эрка қизи Тонг Қуёшнинг заррин нурларига чўмилиб, оламга эзгулик, саховат, ризқ улашганида, ҳаёт аталмиш сирли тилсимотнинг энг олий гултожи — фарзанд эканлигидан фахр ва қониқиш ҳиссини туясан, киши. Она замин бағрида келажак пойдеворини қуришни орзу қилган азиз фарзандларни кўрсанг, бу ёруғ оламда борлигинг шукронаси дилинг кўзгусини мунаввар этади.

Инсон ўзида бутун бир оламни олиб юрадиган жону жаҳон саналади. У доно, камтар, зукко, меҳнаткаш ва жонкуяр бўлсагина, инсон деган юксак унвонга лойиқ бўлади. Фарзандларимизнинг ана шу хусусиятларини юрагида жо этиб, вояга етишида болалар боғчалари асосий роль ўйнайди.

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 458-"Чарос" болалар боғчаси 200 ўринли бўлиб, 10 та гуруҳда жажжи кичкинтойлар тарбияланаётир. Тарбиячиларнинг кўпчилиги узоқ йиллардан буён ўғил-қизлар тарбияси билан шуғулланганликлари боис, уларнинг 4 нафари I, 10 нафари II , 1 таси III тоифали тарбиячилар сифатида тан олинган.

Болалар масканида турли бурчаклар ташкил этилган. Китоб бурчаги, табиат бурчаги, соғлом авлод бурчаги шулар жумласидандир.

2000 йил — Соғлом авлод йилида боғчаларда ҳам мурғак қалбларнинг нафақат жисмонан, балки маънан соғлом бўлишларига ҳам алоҳида аҳамият берилаётир. Барча боғчаларда ўғил-қизларни янги педагогик технология асосида тарбиялаш йўлга қўйилганидек, мазкур масканда ҳам у такомиллашиб бормоқда.

Машғулотлардан сўнг кичкинтойлар шашка, рақс, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, бадиий гимнастика каби ўзлари қизиққан тўгаракларда иштирок этмоқдалар.

Болалар гулшанининг қайси бир гуруҳига назар ташламанг, унда миллийлик акс этиб турибди. "Чарос" болалар боғчаси 196-, 197-мактаблар билан ҳамкорлик қилади. Бу фарзандларнинг янада етук бўлиб вояга етишига сабаб бўлса, ажаб эмас.

Замира ЖОВЛИЕВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

Xotira

Фидойи ўқитувчи Азим Маматов бугун ҳаёт бўлганида 70 ёшни қаршилаган бўлар эди. Афсуски, умр у кишига вафо қилмади. Азим ака айни қирчиллаган 46 ёшида бу дунёни ташлаб кетди. Лекин бу инсон қисқа умри давомида ўзидан яхши ном қолдира билди. Бугун у кишини кўрган, таниган-билганлар армон билан эслашади. "Одамнинг қадри ўтгандан кейин билинар экан, —дейишади Азим акани хотирлаганлар, —ёнимизда шундай валломат одам яшаб ўтди, билмадик".

ИНСОН ҚАДРИ

Умрини ўқитувчиликка бахшида этган, шу қисқа ҳаёти давомида ҳам кўпдан-кўп шогирдлар етиштирган Азим аканинг номи абадийлаштирилган. Оқолтин туманидаги инглиз тилини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган 28-ўрта мактаб бугун Азим Маматов номи билан аталади. "Мактабимиз фидойи устоз номи билан аталар экан, —дейди ушбу мактаб раҳбари Шукрулло Расулов, —албатта, бу ерда эришилаётган натижалар ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим". Мактаб жамоаси эришаётган натижалар эса, чакки эмас. Ўтган йилги "Йил мактаби" кўрик-танловининг республика босқичида ҳам ушбу мактаб муваффақиятли иштирок этди.

Яқинда мактабда фидойи педагог Азим Маматовнинг хотира кечаси ўтказилди. Кечада у кишининг оила аъзолари, шогирдлари, ҳамкасблари, туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими ходимлари иштирок этди. Азим Маматовнинг фарзандлари мактабга ўзларининг эсдалик совғаларини туҳфа этди.

И.ИСКАНДАРОВ

ФАРЗАНДЛАРИНИ ИЗИДАН ЭРГАШТИРА ОЛГАН ЎҚИТУВЧИ

Ustoz haqida so'z

Бир ўқувчисининг сариқ касали билан оғриб дарсга келолмаётганини эшитган Йўлчи ака шу куниёқ унинг уйига отланди.

11-синф ўқувчиси Акбарнинг ҳолидан хабар олгандан бери устоз анча паришонхотир бўлиб қолганди. Нимагалигини ўзи ҳам билмасди. Аммо ўқувчингиз Акбар Халилхўжаев вафот этибди, деган нохуш хабарни етказганларида ҳатто ўрнидан туролмай қолган Йўлчи ака унсиз оҳ тортиб, фотиҳага кетаётганлар қаторига қўшилди.

Айни кезда устоз ҳаммадан кўра чўкиб қолган, ҳар доимги салобати синиққандек эди. Айниқса, эртаси кун синфга кирганида Акбарнинг бўш турган ўрни ўқитувчининг юрагини эзиб юборди. Муаллим ёлғиз қолган онасининг дарду изтиробларини кўз олдидан кетказа олмасди...

Ҳар бир ўқувчисининг тақдирига бефарқ қарай олмайдиган ўқитувчи Тошкент шаҳар ижтимоий фанларга ихтисослашган 254-умумтаълим мактабининг директори Йўлчи Абдуллаев ҳақиқий устоз номига муносиб инсон. Қирқ уч йиллик иш тажрибасига эга устоз «умримни мактабсиз тасаввур қилолмайман», деб жуда кўп такрорлайди. У кишининг шогирдлари ҳам шундай гапларни дилидан чиқариб айтишади.

Домланинг собиқ ўқувчиси Жасурбек Ризаев шундай воқеани эслайди: "7-синфдалигимда бошқа жойга кўчганимиз сабабли, ўзга мактабга бора бошладим, лекин анчагача кўникиб кета олмадим. Мен ўша пайтгача биргина Йўлчи акани, яъни синф раҳбаримизни танирдим. Ушбу мактаб қоровулининг исми ҳам Йўлчи ака экан. Бир куни дарсда ўқитувчимиз чиқиб кетган эди, биз болалар тўстўполонни бошлаб юбордик. Шунда синфдошимиз: "Жим бўлинглар, ана, деразадан Йўлчи ака қараяпти", деди. Йўлчи ака деган сўзни эшитиб ташқарига югуриб чиқиб, дераза ёнига бориб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Йўлчи ака, Йўлчи ака, — дедиму, қаршимда турган мактаб қоровулини кўриб шошганимдан нима қилишни билмай қолдим. Шундан сўнг фақат «директоримиз мени келиб олиб кетармикан» деган узун хаёллар сура бошладим. Хаёллар билан вояга етдик, улғайдик. Ҳозир ҳам Йўлчи акага қалбимнинг бир учи тортиб туради. У киши кўпинча фаолиятимга бошқош бўлади. Ота-онам мени осмондан ерга туширган бўлса, Йўлчи ака каби устозларим ердан осмонга кўтарганлар, деб ҳамиша фахрланиб айтиб юраман".

Дарҳақиқат, устозга ёғиладиган раҳматлар унинг етиштирган шогирдларига қараб белгиланади деганларича ҳам бор. Ўқувчиларга она-тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келаётган таърифимиздаги инсон ўз касбини тўтиё билади. У киши билан суҳбат қилганимда мана бу айтган гаплари мени жуда ҳаяжонлантиради:

—Ўқитувчини буюртма бериб тайёрлаб бўлмайди. Навоий, Лутфийлар ҳам буюк педагог бўлишган. Агар ул зотларга Оллоҳ истеъдод, иқтидор бермаганида шунчалик даражага етмасди, менимча. Ўзимнинг ҳам беш нафар фарзандим шу касбни эгаллаган. Улар ўқитувчиликни менинг қистовим билан эмас, балки қонида борлиги учун танлаган бўлса керак. Хуллас, улар билан, қолаверса, мактабимдаги ёш ўқитувчилар билан бир-биримизга устоз, бир-биримизга шогирдмиз.

Ҳар гал устозлар ҳақида сўз кетганда улар бажарган ишларнинг ҳисоботини тинглашга ўрганиб қолганмиз. Бир умр эзгуликни излаб, бошқаларга маърифату маънавият улашаётган инсонларнинг ҳаёт йўллари-да ибратли эканлигини кўпинча сезавермаймиз. Шунинг учун ҳам устоз ҳаётидаги айрим чизгиларгагина назар солдим, холос.

Насиба ЭРХОНОВА

Сўнгра тошга қулоғимни тутдим,
Тошдан садо ҳам чиқмади.

Эҳ-ҳе қанийди жигар ҳужайралари тилга кирсаю, бу олти соат дам олиш ўзи учун қандай неъмат эканлигини сизларга ҳикоя қилиб берса.

Sport maydonchasi

ШАЦКИХ — КУЁВБОЛА

Терма жамоамиз ва "Динамо" (Киев) ҳужумчиси Максим Шацких уйланди. Тошкентлик Алеся ва Максим тўйдан кейиноқ Таиландга асал ойини ўтказиш учун учиб кетишди.

АРТУР ЯНА ҒОЛИБ

Колумбиялик рақибини 12 раундда очколар бўйича енгган Артур Григорян чемпионлик камарини ўн учинчи бор сақлаб қолди. Бу Артурнинг 2000 йилдаги тўртинчи даъвогарни "ер тишлатиши" эди.

РИВАЛДО — ЗИДАН — ФИГУ

ФИФА жаҳоннинг 2000 йилги энг зўр футболчиси номига асосий даъвогар деб шу уч футболчини ҳисобламоқда. Маълумки, Ривалдо — 1999 йили, Зидан — 1998 йили бу номга сазовор бўлган эди. Энди навбат португалияликка чоғи...

ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ

Каратэ бўйича Ўзбекистон терма жамоаси навбатдаги жаҳон биринчилигида иштирок этиш учун Венгрияга жўнаб кетди. Будапештда бўладиган мусобақаларда 41 нафар ёш каратэчиларимиз татамига чиқадилар.

ЖЧ — 2002

Япония ва Кореяда бўладиган финал ўйинларига билетлар сотиш 2001 йил 15 февралдан бошланадиган бўлди. Шу йил 20 октябрида бошланиши керак бўлган жараён кечиктирилган эди. Мақсад — чипталарни адолатли тақсимлаш.

Xullas...

ДАВОЛОВЧИ ДЕЛЬФИНЛАР

Евпаторияда шовшув! Денгиз маҳлуқотлари кар, соқов болаларни даволаш хусусиятига эга эмиш.

Дарвоқе, бу миш-миш эмас, бор гап. Болалар курортологияси ва физиотерапияси илмий текшириш институтининг раҳбари Виктор Льсенко газета мухбирларига берган интервьюсида шундай деди: "Дельфинлар билан ўтказилган сеанслар натижасида биз бир нечта гунг болаларга тил ато қилишга муваффақ бўлдик. Ота-оналарининг хурсандлигини тасаввур ҳам қилолмайсиз!".

Денгиз санаторийсидаги беш-олти марталик даволаш сеансларини ўтказиш усули жуда ҳам оддий. Чўмилиш кийимидаги бола дельфиннинг устига миндирилади. Қўллар денгиз ҳайвонининг қанотини паноҳ айлагач, биланг-биланг сузиш жараёни бошланади. Мўъжиза шу пайтда рўй беради. Дельфиндаги ультратовуш чиқарувчи аъзо боланинг бош миясига товуш узатади ва бемор бехосдан "Ойи, дада" деб қичқириб юборади.

Айни вақтда дельфинлар қишки таътилга чиқишган. Хушхабарни эшитган ота-оналарнинг қадами бу ердан узилганича йўқ. Санаторий бош врачининг таъкидлашича, улар баҳоргача сабр-тоқат қилиб туришларига тўғри келади.

"ХОББИ"СИ ЎЗ СУРАТЛАРИ

Эстониянинг Пярну-маа шаҳрида яшовчи хоним Хельмийне Пануртнинг "хобби"си ўзининг суратларидир. 72 ёшдаги кампир бундан 15 йил муқаддам ҳар ойда суратга тушиб туришни одат қилди.

Хельмийне хоним ўз "хобби"сини қуйидагича шарҳлайди: инсон йилдан-йилга ўзгариб боради, қарилик ўз кучини кўрсатади. Мен суратга тушар эканман, бир йил, ўн йил аввал қандай қиёфада бўлганимни кўриб, эслаб тураман. Бу менга завқ беради.

Кампирнинг бисотидаги суратлар сон-саноқсиз. Бири-бирига ўхшаш, аммо фарқли.

ana shunaqa gaplar...

ҚОРА КЎЗИНГ

Тун. Деразадан менга тикилиб турган қора кўзингдан ийманиб чойшабга ўранаман. Кўзларингга кўринмаслик учун чироқни ўчираман. Кўзинг хонамга кириб олади, кўзларингни кўрмаслик учун кўзимни юмаман. Кўзинг кўзларимга кириб олади.

- Уф! -дейман. Хонам куйиб кетади. Кўзларингдан уяламан... яширинаман..-.Аммо!!! Юрагим тўлғона, сочларим чулғона, кўзларим чўғлана, вужудим ўртана, юзларим ёна сенинг қора кўзларинг оғушида беҳол тонг оттираман.

Тонг-Даҳшат! Кўзларингни йўқотиб қўйдим...

ТОҒМАН!

Қадрдон душмангинам,
Сиз тошлар отасиз-
Бағримга оламан.
Ахир мен...Мен тоғман...
Тошдан юксаламан.

Мен тошлар отмайман-
Лолалар тутаман!...

Дилрабо МИНГБОЕВА,
талаба

Ko'ngil bitiklari

. . .

Унинг юрагини тош дедилар...
Унинг юрагига қулоғимни тутдим,
Юраги бир маромда текис урарди.
Сўнгра тошга қулоғимни тутдим,
Тошдан садо ҳам чиқмади.
Демак, унинг юраги тош эмас экан.
Ундан ҳали одамийлик кутса бўлади.

ТЕНГГА ТЕНГ ДУНЁ

Тошбақани муаллақ кўтариб турдим.
Сўнгра тошбақа мени...
Тенгга тенг экан дунё.

ИСТАК

Юрагим кўзларинг қоралиғича,
Орамиз икки кўз оралиғича,
Қачон учратамиз бир-биримизни?!

Муҳиддин АБДУСАМАТОВ,
талаба

Қиш арафасида.

НОМУСНИНГ КИЙИМИ

Qatra

Давлат қомуси билан,
Инсон — номуси.
Мақол

Бир куни фазилатлар султони булмиш Ақл уз қарорғоҳида базм уюштирди. Унинг вазири Кўнгилга меҳмонларни базмга чорлаш вазифаси юклатилди. Базмга Ақлнинг барча ёр-биродарлари ташриф буюрдилар. Султон базмга гўзалликда танҳо Номусни ҳам таклиф қилишни унутмади.

Шу куни Номус обдон безанди: Ибо ва Ҳаёнинг Чин-Мочиндан келтирган оппоқ либосини кийиб, Иффатнинг дурдона тақинчоқлари билан зеболанди.

Базм айни авжида. Номус базмга ташриф буюрган Бойлик, Обру ва Сафони лол қолдириб, нафис рақс кўрсатди. Рақс барчага маъқул бўлиб, Кўнгил Номусдан яна бир оз рақсга тушишни сўради. Номус Кўнгилнинг илтимосига йўқ дея олмади. Ақлга бу илтимос унча хуш келмаса-да, у ҳам кўпчиликка қарши чиқа олмади.

Номусга, айниқса, Куч-Қувват ва Бойлик маҳлиё булиб, ҳасад ичларини емирди.

Базм ярим тунгача чўзилди. Барча меҳмонлар Ақл қарорғоҳидан узларига ажратилган жойда тунаб қолдилар.

Шу кеча Номус ҳам дугоналари Ибо ва Ҳаё билан қаттиқ уйқуга кетди ва сирли туш кўрди: тушида базмдан сўнг Бойлик Номусга ғалати бир кўйлак совға қилганмиш. Номус бундай кўйлакни кийишдан бош тортибди, лекин Бойлик бунга кунмай ўзи тақдим этган кўйлакни зўрлаб кийдирибди... Номус бундай бемаъни тушдан қўрқиб уйғонибди. Не кўз билан кўрсинки, эгнида кечагина барчани лол қолдирган кўйлаги йўқ эмиш. У ҳар қанча елиб-югурмасин дугоналари - Ибо ва Ҳаёни ҳам, бебаҳо кўйлагини ҳам топа олмабди.

Охири у катта андиша билан Куч-Қувват, Обрў ва Бойлик олдига бориб, улардан ўз кўйлагини сўраган экан, улар дўқ-пупписалар билан ўз ҳузурларидан қувибдилар. Номус қайғуга ботиб, ноилож Сафо ва Завқ-Шавққа юзланибди. Улар ҳам Номусга янги кўйлак ваъда қилибдилар, холос.

Шундай қилиб, Номус бир кун ўтказган базми учун ойлар қайғуга ботибди. Бир куни кўйлакни Афсус ва Надомат топиб келтирибдилар. Афсус, Номусга энди бу кўйлак ярашмай қолибди.

Гулгун СУЛТОНОВА,
Юнусобод туманидаги 274-мактабнинг 11"А" синф ўқувчиси

РЎЗА ТУТМОҚНИНГ ФАЗИЛАТИ

Рўза тўғрисидаги Бақара сурасининг 184-оятида:

"Билсангиз рўза тутиш биз учун яхшироқдир", деб уқтирилган. Баъзи кишилар рўза ҳақида гапирганда узр қидиришга интилиб қоладилар. Заиф кишилар, қон босими баланд бўлган беморлар, бир қатор эски касалликлари бўлган инсонлар бемалол рўза тутмай қўйишган. Ҳолбуки, рўза одамнинг вужуди учун калория камайиб кетиши ёки таъминот чекланиши ҳодисаси эмас. Аксинча, вужудни бир марта кўздан кечириб қўйиш ҳодисасидир. Соғлиғи узрли бўлганларга рўза тутмасликка рухсат берилганига қарамай, рўза тутишда зарар эмас, фойда борлигини билиб қўйиш хайрлидир. Масалан, рўзанинг ҳазм қилиш системасига таъсири ҳақида тўхталайлик. Ҳазм қилиш системасининг энг оғир вазифаларидан бири жигар фаолияти билан боғлиқ. Жигар 16 хил вазифани адо этади. 24 соат ҳеч тинмай бирбиридан оғир ишларни бажаради. Мана шу жигар рўза тутиш асносида ҳеч бўлмаганда 12 соатнинг 6 соатида дам олишга ўтади. Эҳ-ҳе қанийди жигар ҳужайралари тилга кирсаю, бу олти соат дам олиш ўзи учун қандай неъмат эканлигини сизларга ҳикоя қилиб берса. Жуда жонини аяйлайдиган, янглиш фикр билан ўз жигарини гўё тозаловчи машинага айлантириб қўйган кишилар бир оз мулоҳаза юритиб: жигарим ҳозир ичимда нима қилаётган экан, деб хавотирланиб турсалар, ўзларига яхши бўларди.

Ким рўза тутса, вужуднинг марказий лабораторияси бўлган жигарга катта ёрдам берган бўлади. Шунинг учун ҳам 184-оятда, рўза тутиш ўзингиз учун яхшироқдир, дейилган.

Рўза — ҳазм системасидаги бошқа аъзоларга ҳам жуда яхши дам беради. Оғиздан бошлаб тупук безигача, ундан тамадди найигача — буларнинг барчаси учун йилда бир ой тутилган рўза неъматлар ичида энг катта неъматдир. Ошқозон рўза даврида бутун мушаклари (мускуллари)ни дам олдиради.

Ички пардадаги жамики заифликлар таъмирланади. Баъзи бир докторлар ўйлаганидек, рўза пайтида ошқозон кислота чиқармайди. Ундан ташқари рўза тутишга ният қилинган пайтда ошқозон шартли рефлексга ўтиб, кислота ажратишдан тўхтайди.

Ҳазм системасининг яна бир аъзоси ҳисобланган 12 бармоқ ичаги ҳам рўзадан ўзига катта улуш олади. Зеро, бу аъзо жамики "ҳазм системаси компьютерлари"нинг марказий нуқтасидир. У рўзада ҳар куни ўртача 10 соат дам олади. Ичаклар рўза асносида ички пардаларини ва улар ортидаги соғлиқни муҳофаза қилувчи пейер тангачаларини (пейер тангачалари — соғлиқни ҳимоя қилувчи, фақат микроскоп билан кўринадиган майда заррачалардир) бир бор текширувдан ўтказиб, ишлашини созлаб қўяди. Рўза модда айланиш системасига ҳам катта неъматлар келтиради. Жисмимизда қон ҳажмининг ўзгариши юракка жиддий истироҳат беради. Ундан ташқари тўқималар орасидаги ортиқча сувни йўқ қилиб, тўқима босимини пасайтиради. Халқ орасида қон босими деб юритиладиган қоннинг юракка босим бериши рўза пайтида озаяди. Бу эса юракка биз инъом этишимиз мумкин бўлган энг катта яхшиликдир. Модда айланиш системасидаги энг муҳим масалалардан бири шуки, соғлом кишиларда қонга ўтган озиқ-овқатларнинг ҳаммаси фақат рўзалик пайтларда сингиб кетади. Айниқса, қондаги ёғ ва ёғсимон моддалар энг оз миқдорга тушади. Бу эса одамнинг қаришини орқага суради. Ёғ босиб семириб кетганлар рўза тутишдан катта фойда кўришлари шак-шубҳасиздир. Модда айланиш системасида муҳим ўрни бўлган буйракларнинг ҳам рамазон ойида ўзига хос дам олиш даврига ўтиши рўзанинг яна бир неъматидир. Рўзанинг ҳужайраларга таъсири ҳам катта. Тўқима системаси ичида турли вазифаларни адо этувчи ҳужайралар, айниқса, овқат олди-бердиси ва ҳужайра орасида сув мувозанатини бир тартибга солишда катта хизмат қилади. Ҳужайрани энг кўп сачратувчи нарса сув мувозанати билан боғлиқ. Рўза жараёнида бу ҳодисалар нормал изга тушиб, ҳужайралар учун енгил нафас олиш имкони туғилади. Рўзанинг асаб системасига таъсири ҳам катта. Булар ҳаммаси фақат мусулмон олами олимлари томонидан эмас, балки жаҳон олимлари, Ғарбнинг машҳур сиймолари томонидан ҳам тан олинмоқда.

Мана, кўрдингизми! 30 кун рўза тутиб, биз ўз вужудимизга катта имконлар яратдик. Унинг соғлиғини яхши йўлга қўйдик, бизнинг рамазон ойимиз ҳеч зое кетгани йўқ. Бу ҳақда, чунончи турк олими, медицина фанлари доктори, онколог врач Нурбоқий ўз китобида батафсил тўхталган. Мен сизларга шуни билдириб қўйгим келди.

Миразиз АЪЗАМ

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ 2000 йилнинг декабрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган:

1. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти) — ўзбек — 4-23
2. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги тарих-география) — ўзбек — 4-23
3. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги химия-биология ва физика) — ўзбек — 4-23
4. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги математика ва информатика) — ўзбек — 4-23
5. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги рус ва хорижий тиллар) — ўзбек — 4-23
6. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (директорлик лавозимида 5 йилгача ишлаётганлар) — ўзбек — 4-23
7. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (директорлик лавозимида 10 йилдан ортиқ ишлаётганлар) — ўзбек — 1-14
8. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (директорлик лавозимида 10 йилдан ортиқ ишлаётганлар) — ўзбек — 15-28
9. Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари (Тошкент вилоятида) — ўзбек — 1-14
10. Спорт мактаб директор муовинлари курси — ўзбек — 1-14
11. ЧЁТ раҳбарлари — рус — 1-14
12. Спорт мактаби тренер-ўқитувчилари (волейбол бўйича) — ўзбек — 15-28
13. Мактабдан ташқари таълим мажмуаси (Ўқувчилар саройи, болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази директорлари) — ўзбек — 4-25
14. Мактаб амалиётчи психологлари — ўзбек — 15-28
15. Ёрдамчи мактаб-интернатларнинг бош тарбиячилари — ўзбек — 1-14
16. Умумтаълим мактаб-интернат ва меҳрибонлик уйлари бош тарбиячилари (Андижонда) — ўзбек — 4-16
17. Янги информацион технологиялар бўйича дарс ўтиш (химия-биология ўқитувчилари) — ўзбек — 15-28
18. Ўқиш тожик тилида олиб бориладиган мактаб директорлари ва муовинлари (Самарқанд) — ўзбек — 15-28

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетларига тўланади. Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар ўқув-режа, дастур, стандартлар ҳақида маърузалар қиладилар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи, Хотира, Шаҳидлар майдонлари ҳамда бошқа зиёратгоҳларга экскурсия уюштирилади.

Режада кўрсатилган муддатга етиб келмаган тингловчилар курсларга қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент—95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг «Талабалар шаҳарчаси» бекатигача.

ЖИЗЗАХДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Яқинда Жиззах шаҳридаги футбол мактаб-интернат ўйингоҳида 1984-1985-йилларда туғилган ўқувчи-ёшлар ўртасида футбол бўйича Халқ таълими вазирлигининг биринчилик мусобақаси ўтказилди. Унда республикамизнинг мактаб-интернатларида таҳсил олувчи ҳаваскор ёш футболчилар ўзаро баҳс олиб боришди.

Беллашувнинг илк кунларидаёқ жамоаларнинг катта тайёргарликларга эга эканликлари кўзга яққол ташланди. Жумладан, Янгиер, Наманган, Ғузор ва нукусликлар мусобақага пухта тайёргарлик кўрганлари учун рақибларга муносиб қаршиликлар кўрсатишди. Беш кун давом этган мусобақа натижаларига кўра, Наманган ва Янгиер мактаб-интернат ўқувчилари финал босқичига чиқишди. Муросасиз ўтган ушбу баҳсда дуранг (1:1) натижа қайд этилди. Шунингдек, биринчилик якунига кўра жамоаларда 13 тадан тенг очко бор эди. Шундан сўнг ҳакамлар мусобақа низомига кўра тўплар нисбати бўйича наманганлик мактаб-интернат жамоасини беллашув ғолиби деб топишди. Иккинчи ўрин Янгиер жамоасига насиб этган бўлса, нукуслик ўқувчилар учинчи ўринни эгаллашди.

Мусобақа охирида ғолиб жамоаларга Халқ таълими вазирлигининг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди.

Ғ.МАННОПОВ

"ПАХТАКОР"-НИНГ ЯНГИ ИЗДОШЛАРИ

Бугунги кунда республикамизда спортга, айниқса, футболни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли ЎзДЖТУ қошидаги академик лицейда футбол бўйича гуруҳлараро мусобақа ўтказилди. Мусобақа ҳайъат аъзолари томонидан одилона баҳоланиб, унда ушбу лицейнинг 124-гуруҳ талабалари ғолибликни қўлга киритдилар. Ҳозирда эса энг яхши ўйнайдиган ўқувчилардан лицейнинг янги футбол командаси тузиш режалаштирилди.

Дилдора АБЗАЛОВА,
лицей ўқувчиси

Низомий номидаги ТДПУ маъмурияти, касаба уюшмаси ва мусиқа факультети жамоаси, мусиқа педагогикаси ва методикаси кафедраси ўқитувчиси А.Тригуловага отаси

Хусаин ТРИГУЛОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги ТДПУ жамоаси Табииёт фанлари факультети "Биология ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси мудири, профессор Абдукарим Зикиряевга акаси

РАҲМОН аканинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар ХТББ шаҳар касаба уюшмаси, С.Раҳимов тумани ХТБ туман касаба уюшма қўмитаси ҳамда 134-ўрта мактаб педжамоаси шу мактабнинг тарих ўқитувчиси

Ғанижон ФОЗИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

С.Раҳимов туманидаги 134-ўрта мактаб жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси шу мактабнинг рус тили ўқитувчиси

Рўзигул ЗУФАРОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Жамшид САЪДИНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-1017. Тиражи 18.608.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 19.30.